

## II. САНОАТ

Корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият юритаётган саноат корхоналари сони 6739 тага етиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 937 тага ёки 16,1 % га ошди.


Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятимизда 1238 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан қарийб 14,9 фоизи Самарқанд шаҳрига, 13,5 фоизи Ургут туманига, 10,1 фоизи Самарқанд тумани ҳиссаларига тўғри келмоқди.

### 2020 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият юритаётган саноат корхоналари


бирликда

	Фаолият юритаётгани	шундан		2020 йил январь-сентябрь ойларида ташкил этилган
		йирик корхоналар	кичик бизнес	
<b>Жами</b>	<b>6739</b>	<b>60</b>	<b>6679</b>	<b>1238</b>
Самарқанд ш.	1546	27	1519	184
Каттақўрғон ш.	226	2	224	60
туманлар:				
Оқдарё	293	-	293	64
Булунғур	231	-	231	49
Жомбой	319	4	315	66
Иштихон	414	2	412	97
Каттақўрғон	293	3	290	69
Қўшрабат	117	-	117	24
Нарпай	184	2	182	29
Пайарик	301	2	299	61
Пастдарғом	613	6	607	118
Пахтачи	180	2	178	40
Самарқанд	625	4	621	125
Нуробод	148	-	148	31
Ургут	969	3	966	167
Тойлоқ	280	3	277	54

**Фаолият юритаётган саноат корхоналари сони, бирлик**  
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига)



**Янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик**  
(2020 йил январь-сентябрь)



Вилоятда саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 12231,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 94,7 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 7894,2 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 108,2 фоизни ташкил этди. Жумладан, 2956,1 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда 4816,2 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан мос равишда 101,1фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперацияларини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 403,8 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

### **Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш**


	<i>Ҳажми, млрд. сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, % да</i>
<b>Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми</b>	<b>12231,8</b>	<b>94,7</b>
<b>Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш</b>	<b>108,8</b>	<b>90,2</b>
шу жумладан:		
Металл рудаларини қазиб олиш		
<b>Қайта ишлаш саноати</b>	<b>11618,1</b>	<b>96,1</b>
шу жумладан:		
Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	4795,6	99,1
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	2776,6	111,7
Ёғоч ва пўкак буюмлар, похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	180,5	100,9
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	15,8	87,5
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2,8	84,1

	Ҳажми, млрд. сўм	Ўсиш суръати, % да
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	367,8	102,4
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	78,0	163,2
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	705,2	108,4
Металлургия саноати	514,9	53,7
Автотранспорт воситалари, тиркамалар ва ярим притсеplar ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	1789,0	65,4
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	<b>433,8</b>	<b>130,9</b>
<b>Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш</b>	<b>71,1</b>	<b>97,1</b>


### Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2019 йил январь-сентябрь




2020 йил январь-сентябрь



- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш

## Ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари

	январь-сентябрь ойларида, млрд. сўмда		Ўсиш суръати, % да
	2019 йил	2020 йил	
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	7296,5	7894,2	108,2
<i>шу жумладан:</i>			
Озиқ-овқат товарлари	2679,0	2956,1	101,1
Ноозиқ-овқат товарлари	4500,0	4816,2	101,1



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотлари турларини  
ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)**

	Ўлчов бирлиги	2020 йил	2019 йилга нисбатан, % да
<b>Қайта ишлаш саноати</b>			
Таркибида иккита таъминловчи элемент–азот ва фосфор бўлган минерал ёки кимёвий ўғитлар	минг тн.	3,9	17,9
Ароқ	минг л. 100% спирт	215,2	68,0
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	минг л. 100% спирт	99,7	55,4
Узум виноси	минг л.	1318,6	94,6
Пиво (пиво ишлаб чиқариш чикиндилардан ташқари)	минг л.	26325,0	107,1
Юмшоқ буғдой ва спелта уни	минг тн.	132,8	123,1
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони(буханка), оғирлиги 600 г	тн.	532,2	82,3
Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракциялари (кимёвий модификация қилинганларидан ташқари)	тн.	8732,7	126,5
Пахта толаси	минг тн.	24,1	165,0
Пахта чигити	минг тн.	39,9	165,6
Пахта тивити (линт)	тн	1505,5	114,9
Иссиқлик электр марказлари (ИЭМ) ишлаб чиқарган электр энергияси	млн.кВт/с	66,55	97,0
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Гкал.	55,4	99,5

**2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида саноат маҳсулоти ишлаб  
чиқариш**

	<i>Ҳажми, млрд. сўм</i>	<i>2019 йилга нисбатан, % да</i>	<i>Аҳоли жон бошига, минг сўм</i>	<i>2019 йилга нисбатан, % да</i>
<b>Самарқанд вилояти</b>	<b>12231,8</b>	<b>94,7</b>	<b>3133,9</b>	<b>92,9</b>
Самарқанд ш.	5618,7	98,2	10243,0	96,9
Каттақўрғон ш.	187,0	92,1	2077,9	90,6
туманлар:				
Оқдарё	212,8	111,2	1331,6	109,1
Булунгур	277,6	101,8	1480,7	99,9
Жомбой	1457,1	79,0	8402,1	77,1
Иштихон	227,8	134,0	893,4	131,3
Каттақўрғон	222,8	103,2	813,5	101,4
Қўшрабат	28,7	96,7	217,6	94,7
Нарпай	406,6	120,8	1903,8	118,8
Нуробод	146,8	108,9	972,9	106,9
Пайарик	220,8	108,1	878,7	105,8
Пастдарғом	425,7	105,7	1196,7	103,6
Пахтачи	192,9	109,6	1333,6	107,8
Самарқанд	1064,2	96,5	4200,3	94,5
Тойлоқ	468,1	105,8	2315,8	103,5
Ургут	1074,3	96,6	2100,6	94,2

**2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида истеъмол товарлари ишлаб  
чиқариш**

	<i>Ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>2019 йилга нисбатан, % да</i>	<i>Аҳоли жон бошига, минг сўмда</i>	<i>2019 йилга нисбатан, % да</i>
<b>Самарқанд вилояти</b>	<b>7894,2</b>	<b>108,2</b>	<b>2022,6</b>	<b>106,1</b>
Самарқанд ш.	3379,9	102,8	6161,6	101,4
Каттақўрғон ш.	116,3	78,2	1292,5	77,0
туманлар:				
Оқдарё	185,0	204,9	1158,0	200,9
Булунгур	178,8	80,2	953,4	78,7
Жомбой	601,5	143,9	3468,6	140,4
Иштихон	171,0	149,0	670,8	146,0
Каттақўрғон	140,2	93,2	512,1	91,6
Қўшрабат	18,3	111,8	139,0	109,6
Нарпай	199,0	111,8	932,0	110,0
Нуробод	143,4	123,0	950,8	120,8
Пайарик	137,9	184,0	548,7	180,2
Пастдарғом	342,5	165,9	962,9	162,6
Пахтачи	74,7	109,9	516,6	108,2
Самарқанд	717,1	91,4	2830,3	89,5
Тойлоқ	455,5	108,3	2253,5	105,9
Ургут	1032,9	103,5	2019,7	101,0



### Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши


Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 4751,0 млрд. сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида қўшма корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 38,8 % ни ташкил этди.

### Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг саноатнинг умумий ҳажмидаги улуши, % да

2019 йил январь-сентябрь

2020 йил январь-сентябрь



### Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши

Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур асосида киритилган 57 та лойиҳа бўйича 403,8 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, 8,6 млн. АҚШ доллари миқдорига маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт қилинди ва 54 та янги иш ўринлар яратилди.

Ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 2020 йил январь-сентябрь ойларида янги ташкил этилган иш ўринлари сони 90,2 фоизга пасайди. Шу билан бирга, 2019 йил январь-сентябрь ойларида нисбатан маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмининг 8,6 фоизга кўпайиши кузатилди.

**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни  
маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари**  
(январь-сентябрь ойлари учун)

	2019 йил	2020 йил
Лойиҳалар сони, бирлик	40	57
Корхоналар сони, бирлик	20	24
Ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм	417,3	403,8
Экспорт қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, млн. АҚШ доллари	6,5	8,6
Яратилган янги иш ўринлари, бирлик	552	54

